

**“Олий таълимнинг Давлат таълим стандарти. Асосий қоидалар”  
ва “Олий таълимнинг Давлат таълим стандарти. Олий таълим  
йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори” лойиҳаларини  
қўриб чиқиш бўйича**

**УСЛУБИЙ ТАВСИЯЛАР**

Мазкур давлат таълим стандартларининг лойиҳалари Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида” Конуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сонли, “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида” 2020 йил 2 мартағи ПФ-5953-сонли фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг миллий статистика тизимини янада такомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 3 августдаги ПҚ-4796-сонли қарори асосида янгидан ишлаб чиқилди. Ушбу стандартлар лойиҳалари Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги буйруғи билан тасдиқланишидан аввал уларни **экспертлик даражасида атрофлича ўрганиб чиқиш ва қўйидагиларга алоҳида эътибор қаратиш лозим**:

1. Стандартлар таълим жараёнини меъёрлаш бўйича минимал талабларни **тўлиқ ва етарлича** ифода этганини қўриб чиқиш.
2. “Олий таълимнинг Давлат таълим стандарти. Асосий қоидалар”да белгиланган таълим ҳажмларининг фоизлари ва вақт меъёрлари **барча соҳалар учун мақбуллигини** қўриб чиқиш.
3. “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори”да тор доирадаги йўналишлар ва мутахассисликлар ниҳоятда кўпайиб кетгани юзасидан ўринли эътиrozлар билдирилмоқда (*Мисол учун Россиядек улкан мамлакатнинг Классификаторида 182 та бакалавриат йўналишлари ва 196 та магистратура мутахассисликлари мавжуд, бизда 272 та бакалавриат йўналишлари ва 561 та магистратура мутахассисликлари Классификаторга киритилган*). Шу сабабли Классификатордаги йўналишлар ва мутахассисликларни меҳнат бозори конъюнктурасидан келиб чиқиб, тегишли кадрлар буюртмачилари ва иш берувчи ташкилотлар билан биргаликда қайта қўриб чиқиш, уларни зарур ҳолларда **қисқартириш ва оптимизация қилиш** лозим.
4. “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори”нинг лойиҳаси ЮНЕСКОнинг “Таълимнинг халқаро

стандарт классификацияси. Таълим ва касбий тайёрлаш соҳалари” (ТХСК-С 2013) принциплари асосида тайёрлангани муносабати билан:

- бакалавриат йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари ТХСК-С 2013 га мувофиқ **билим соҳалари ва таълим соҳаларига** тўғри киритилганини кўриб чиқиш;
- бакалавриат йўналишлари ва магистратура мутахассисликларига ТХСК-С 2013 нинг **тўрт хонали кодлари** тўғри белгиланганини ўрганиб чиқиш;
- айрим йўналиш ва мутахассисликларга (маданиятшунослик, телекоммуникация технологиялари, аудио-видео технологиялар, машиносозлик технологияси, нефть-газ кимё технологияси, сув хўжалиги ва мелиорация, ирригация тизимларида сув энергиясидан фойдаланиш ва бошқалар) ТХСК-С 2013 нинг **“88”лик** (фанлараро ва кенгайтирилган дастурлар) коди тўғри белгиланганини кўриб чиқиш.

# **Лойиха**

## **Олий таълимнинг Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида” Конунига мувофик олий таълимнинг ўкув-услубий ва норматив-хукуқий базасини такомиллаштириш мақсадида

### **Б У Ю Р А МА Н:**

1. “Олий таълимнинг Давлат таълим стандарти. Асосий қоидалар” ҳамда “Олий таълимнинг Давлат таълим стандарти. Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори”, Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида” Конуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сонли, “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида” 2020 йил 2 мартағи ПФ-5953-сонли фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг миллий статистика тизимини янада такомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 3 авгуустдаги ПҚ-4796-сонли қарори, ЮНЕСКО томонидан жорий этилган “Таълимнинг халқаро стандарт классификацияси” (ТХСК 2011) ҳамда “ТХСК: Таълим ва касбий тайёрлаш соҳалари” (ТХСК-С 2013) ҳамда бошқа меъёрий-хукуқий ҳужжатлар асосида ишлаб чиқилгани, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида” 2001 йил 16 авгуустдаги 343-сонли қарори Ўзбекистон Республикаси Президентининг “.....” 2021 йил ..... даги ПҚ-.....-сонли қарори билан бекор килингани маълумот учун қабул қилинсин.

2. Куйидагилар:

“Олий таълимнинг Давлат таълим стандарти. Асосий қоидалар” 1-иловага мувофиқ;

“Олий таълимнинг Давлат таълим стандарти. Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори” 2-иловага мувофиқ тасдиқлансан.

3. Вазир ўринбосари (У. Бегимкулов):

“Олий таълимнинг Давлат таълим стандарти. Асосий қоидалар” ва “Олий таълимнинг Давлат таълим стандарти. Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори”, Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида” Конунининг 26 ва 34-моддаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқлангани;

мамлакатнинг барча давлат олий таълим муассасалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий таълимнинг Давлат таълим стандартлари асосида кадрлар тайёрловчи нодавлат таълим ташкилотлари учун мажбурийлигини олий таълим муассасалари ва тасарруфига олий таълим муассасалари бўлган вазирлик ва идораларга етказилишини таъминласин.

4. Таянч олий таълим муассасалари ректорларига тегишли таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича ўкув режалари ва ўкув дастурларини кадрлар буюртмачиларининг эҳтиёжларидан келиб чиқиб, мустакил равишда ишлаб чиқиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда тасдиқлашни таъминласин.

5. 2020/2021 ўкув йилида кредит-модуль тизимига ўтмаган барча олий таълим муассасалари тасарруфийлигидан қатъий назар 2021/2022 ўкув йилидан бошлаб кредит-модуль тизимига ўтказилиши белгилансин.

6. Олий таълим стандартлари ва норматив таъминоти бош бошқармаси (С.Ниязбеков), Олий таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш бош бошқармаси (А.Холиков), Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларни татбиқ этиш маркази (З.Хакимов), таянч олий таълим муассасалари ректорлари:

тасдиқланган “Олий таълимнинг Давлат таълим стандарти. Асосий қоидалар” ва “Олий таълимнинг Давлат таълим стандарти. Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори”ни мазмун-моҳиятини барча олий таълим муассасаларига етказишни;

2021 йил 1 апрелга қадар таълим жараёнига оид барча меъёрий-услубий хужжатларни мазкур буйруқ асосида қайта кўриб чиқилишини ва тасдиқланган стандартларга мувофиқлаштирилишини;

2020/2021 ўкув йилидан бошлаб кредит-модуль тизимига ўтган олий таълим муассасаларидан 2020 йилда жорий этилган таълим соҳалари бўйича давлат таълим стандартлари, малака талаблари, ўкув режа ва ўкув дастурлари

юзасидан таклиф ва фикр-мулоҳазалар олиниши, таҳлил қилиниши ва зарур ҳолларда бунинг асосида ушбу меъёрий-услубий хужжатлар янги ўкув йилига қадар такомиллаштирилишини;

жорий ўкув йилида кредит-модуль тизимиға ўтмаган барча олий таълим муассасалариға тасарруфийлигидан қатъий назар 2021/2022 ўкув йилидан бошлаб кредит-модуль тизимиға ўтказилишида яқиндан ўкув-услубий ёрдам ва ташкилий кўмак беришни;

янги ўкув режа ва ўкув дастурлари ишлаб чиқилиши жараёнида турдош олий таълим муассасаларининг таклифлари ва фикр-мулоҳазалари инобатга олинишини таъминласин.

7. Мазкур буйруқ бажарилишини ўз зиммамда қолдираман.

**Вазир**

**А. Тошкулов**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ СТАНДАРТИ**  
**ЎЗБЕКИСТОН УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМИНИНГ ДАВЛАТ ТАЪЛИМ**  
**СТАНДАРТЛАРИ**  
**ОЛИЙ ТАЪЛИМНИНГ ДАВЛАТ ТАЪЛИМ СТАНДАРТИ**  
**Асосий қондадар**

**Мундарижа**

**Кириш**

1. Кўлланиш соҳалари
2. Норматив хаволалар
3. Таърифлар
4. Олий таълимни стандартлаштириш бўйича норматив хужжатлар тоифалари ва турлари
5. Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари ўкув режалари ва фанлар дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар
6. Битиравчиларнинг тайёргарлигига нисбатан қўйиладиган умумий малака талаблари
7. Ўкув юкламасининг ҳажми
8. Кадрлар тайёрлаш сифати ва олий таълим муассасалари фаолиятини баҳолаш

**Кириш**

Мазкур стандарт Ўзбекистон Республикаси «Таълим тўғрисида» Конуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сонли, “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва ракамили иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида” 2020 йил 2 мартағи ПФ-5953-сонли фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг миллий статистика тизимини янада такомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 3 августдаги ПҚ-4796-сонли қарори, “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 27 июлдаги ПҚ-3151-сон, “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон қарорлари,

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Узлуксиз таълим тизими учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш тўғрисида” 1998 йил 5 январдаги 5-сон қарори хамда олий таълим соҳасини тартибга солувчи бошқа норматив-хукукий хужжатларга мувофиқ ишлаб чиқилган.

## **1. Кўлланиш соҳалари**

«Олий таълимнинг давлат таълим стандарти. Асосий қоидалар» (бундан кейин ОТ ДТС деб аталади):

кадрлар тайёрлаш сифатига, таълим мазмунига кўйиладиган умумий талабларни;

таълим олувчилар тайёргарлигининг зарур ва етарли билим даражаси хамда олий таълим муассасалари битирувчиларига кўйиладиган умумий малакавий талабларни;

ўкув юкламасининг ҳажмини;

таълим муассасалари фаолияти ва кадрлар тайёрлаш сифатини баҳолаш тартиботлари хамда механизмини белгилайди.

ОТ ДТС ўкув жараёнини, таълим муассасалари фаолиятини, кадрлар, дарслик ва ўкув қўлланмалари тайёрлаш сифатини баҳолашни тартибга солувчи тегишли норматив хужжатлар (таълим соҳаларининг давлат таълим стандартлари, бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари учун малака талаблари, ўкув режалари, ўкув фанлари дастурлари ва бошқалар) яратиш учун асос ҳисобланади.

ОТ ДТС олий маълумотли кадрлар тайёрлашда идоравий бўйсуниш ва мулкчилик шаклларидан катъий назар, Ўзбекистон Республикаси худудида жойлашган давлат таълим стандартлари асосида кадрлар тайёрловчи барча олий таълим муассасалари учун мажбурийдир.

ОТ ДТСга мамлакат ижтимоий-иктисодий тараккиётининг истиқболлари, жамият эҳтиёжи, фан, техника, технология ва маданият ютуклари, кадрлар тайёрлаш борасида жаҳон тенденцияларидан келиб чиқкан ҳолда тузатишлар ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

## **2. Норматив ҳаволалар**

Oz DSt 1.0:1998. Ўзбекистон Республикасининг стандартлаштириш давлат тизими. Асосий қоидалар;

ЎзРСТ 1.8-94. Ўзбекистон Республикасининг стандартлаштириш давлат тизими. Амал қилинадиган хужжатларни ва тавсияномаларни ишлаб чиқиш, келишиш, тасдиқлаш ва давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби;

Oz DSt 1.9-1995. Ўзбекистон Республикасининг стандартлаштириш давлат тизими. Тармок стандартларини ишлаб чикиш, келишиш, тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби;

Таълимнинг халкаро стандарт классификацияси (ТҲСК 2011). ЮНЕСКО, 2011 й.

### **3. Таърифлар**

Мазкур стандартда куйидаги атамалар кўлланилади:

**олий таълим** — узлуксиз таълимнинг олий таълим муассасаларида амалга ошириладиган, юкори малакали мутахассислар тайёрловчи икки боскичдан иборат (бакалавриат ва магистратура) мустакил тури;

**бакалавриат** — олий таълим йўналишларидан бири бўйича чукурлаштирилган билим, малака ва кўникмалар берадиган, давомийлиги камидан уч йил бўлган таянч олий таълимдир;

**магистратура** — тегишли бакалавриат негизидаги аниқ мутахассислик бўйича давомийлиги камидан бир йил бўлган олий таълимдир;

**бакалавр, магистр** — олий таълимнинг тегишли боскичига мувофик дастурларни муваффакиятли ўзлаштирган шахсларга бериладиган академик даражалар;

**олий маълумот даражаси** — шахс томонидан олий таълимнинг муайян ўкув режалари ва фанлар дастурини мазкур маълумот хақида тегишли давлат хужжати берилган холда, ўзлаштириши натижаси;

**олий маълумот хақида давлат хужжати (диплом)** — аккредитациядан ўтган олий таълим муассасалари битирувчиларига бериладиган ва уларнинг олий таълимнинг ўкув режалари ва фанлар дастурини бажарганикларини тасдиқловчи давлат намунасидаги хужжат. Хужжат узлуксиз таълимнинг кейинги боскичларida ўқишни давом эттириш ёки олинган академик даражага мувофик ишлаш хукукини беради;

**олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори** — олий маълумотли кадрлар тайёрлаш учун бакалавриат таълими йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг тизимлаштирилган рўйхати;

**олий таълимнинг давлат таълим стандарти** — муайян таълим соҳасига (соҳа таркибига) кўйиладиган малака талаблари, таълим мазмuni, битирувчilar умумий тайёргарлигининг зарурий ва етарли даражаси, кадрлар тайёрлаш сифати ва уни баҳолаш даражаларини белгилайдиган талаблар мажму;

**малака талаблари** — олий таълим тегишли боскичи битирувчisinинг билим, ўкув, кўникма ва компетенцияларига кўйиладиган талаблар;

**ўқитишининг меъёрий муддати** — таълим олувчilar томонидан ўкув режалари ва фанлар дастури ўзлаштирилиши учун белгилangan муддат;

**ўкув фанлари блоки** — ўкув режалари ва фанлар дастурларининг кадрлар тайёрлаш жараёнда аниқ максад ва вазифаларга эришиш учун муайян билим соҳаси ёки фаoliyati ўзлаштирилишини таъминлайдиган ўкуv фанларini бирлаштируvchi таркиbий kismi;

**ўкуv режаси** — олий таълимнинг муайян бакалавриат таълим йўналиши ёки магистратура мутахассислиги бўйича ўкуv фаoliyati турлari, ўкуv фанлari ва курсларининг таркиbi, уларни ўрганишнинг изчиллиги ва соатлардаги хажмини белgилайдиган меъёрий-услubий хужжat;

**ўкуv фани** — таълим муассасасида ўрганиш учун фан, техника, санъат, ишлаб чикириш фаoliyatining муайян соҳасидан саралаб олинган билиmlar, ўкуv ва kўnikmalar tizimi;

**ўкуv йили** — олий таълим муассасасида bir таълим курсини яkunlaшgа mўлжалланган ўкуv фаoliyati давri. Ўкуv йили ikki kалendаръ йил билан belgilanadi, masalan, 2020/2021 ўкуv йили;

**ўкуv семестри** — олий таълим муассасасида ўкуv йилиning ярminи ташkil этuvchi ўzaro boғlanган fanlarning maъlum mажmuini ўzлаштиришga mўлжалланган va улар бўйича яkuniy назорat билан тугалланадиган kismi. Ayrim xollarda ўкуv семестri ўкуv йилиning учдан bir kismini tashkil etishi mumkin;

**ўкуv дастури (fan dasturi)** — таъlim mazmuni belglovchi ўкуv fanining asosiy mavzulari, mazmuni, ўzлаштирилишининг eng makbul usullari, axborot manbalari kўrsatilgan normativ hujjat;

**малака амалиёти** — ўкуv жараёнining назарий bilimlarни mustahkmalash, amaliy kўnikma va ўкуv xosil kiliш, ўкуv режалари ва fanlar dasturlarining maъlum (яkuniy) kismidagi mavzu bўyicha materiallar tўplash учun ўtkaziladigan bir kismi;

**яkuniy давлат аттестацияси** — bakalavr ёki magistr daражasiga kўyiladig'an malaka talablariga muvoфик holda, maъlum talab va tartibotlar vositasida (fanlar bўyicha давлат аттестацияси, битiruv malakaviy iши ёki magistrlik disserqatasi ximoya) битiruvchi tomonidan olib таъlim ўкуv режа ва dasturlarining bажariлиши sifatini baҳolash;

**ўқитишини сифатини назорат килиш** — talabanning biliм saviyasini tekshiriш va uning ўкуv dasturini ўzлаштириш daражasini aniklash;

**таълим сифатини назорат килиш** — ўқitiш mazmuni va natijalarinining давлат таъlim стандартлari talablariga muvofikiligini tekshiriш;

**олий таълим муассасаси аттестацияси** — давлат таъlim стандартlariga muvoфик olib таъlim muassasasi faoliyati баҳolash va kadrлar tayёрлаш mazmuni, daражasi va sifatini aniklash bўyicha давлат назорatinining asosiy shakli;

**олий таълим муассасаси аккредитацияси** — олий таъlim muassasasi faoliyati daражasini olib таъlim давлат таъlim стандартlarinинг mazon va talablariga javob beriши xamda bitiruvchilariga таъlim tўgrisidagi хужжatlarни beriш хукуkining давлат томонидан эътироф этилиши;

**стажировка (ишлаб чикиришда, ilmий-tadkikot muassasasi, xorijda tajriba orttiriш)** — magistratura mutahassisligi bўyicha maksadli kasicib таъlim ўкуv режа ва dasturlarini ўzлаштириш, magistratura talabalarida ilmий-tadkikot kompetenqsiyalarini shakllantiriш maksadida таъlimni fan va ishlab chikiриш bilan integratsiyasini rivожlanтириш йўли orkali magistrlarни eng янги ilmий-

техник ривожланишдаги ютуклар ҳамда иктисад, фан, техника, маданият ва согликни саклаш тармокларидағи замонавий техника ва технологиялар базасида илмий тадқиқот олиб бориши.

#### **4. Олий таълимни стандартлаштириш бўйича норматив хужжатлар тоифалари ва турлари**

##### **4.1. Стандартлар тоифалари.**

- Олий таълим стандартлари куйидаги тоифаларга бўлинади:
- Олий таълимнинг давлат таълим стандарти. Асосий коидалар;
  - Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори;
  - Таълим соҳаларининг давлат таълим стандартлари.

Мазкур стандартлар Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланади.

Муайян таълим соҳасининг давлат таълим стандарти куйидагиларни ўз ичига олиши лозим:

- зарварақ (титул);
- мундарижа;
- муайян таълим соҳаси (соҳа таркиби)нинг умумий таснифи;
- таълим соҳаси битирувчиларининг компетенция даражасига кўйиладиган умумий талаблар;
- ўкув режа тузилмаси;
- кадрлар тайёрлаш сифати ва олий таълим муассасалари фаолиятини баҳолаш.

Таълим соҳасининг давлат таълим стандарти иккита (бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари) кисмдан иборат бўлади.

##### **4.2. Норматив хужжатлар турлари**

Куйидагилар олий таълимнинг норматив хужжатлари хисобланади:

- олий таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органи томонидан тасдиқланадиган бакалавриат таълим йўналиши ва магистратура мутахассислигининг малака талаблари, ўкув режалари ва ўкув фанлари дастурлари;
- олий таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органи томонидан тасдиқланадиган олий таълим муассасаларининг муайян иш фаолиятини тартибга солувчи норматив хужжатлар.

##### **4.3. Норматив хужжатларни ишлаб чикиш**

Олий таълимнинг таълим соҳалари давлат таълим стандартлари ва норматив хужжатлари “Олий таълимнинг давлат таълим стандарти. Асосий коидалар”, “Олий таълимнинг давлат таълим стандарти. Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори” ва Oz DSt 1.0:1998, ЎзРСТ 1.8-94, Oz DSt 1.9-1995 стандартларига мувофик ҳолда ишлаб чикилади.

#### **5. Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари ўкув режалари ва фанлар дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар**

##### **5.1. Бакалавриат**

Олий таълимнинг ўкув режалари ва фанлар дастурлари умумий ўрта ва ўрта маҳсус таълим билан узвийлик ва узлуксизлиги таъминлаган ҳолда ишлаб чикилиши зарур. Ўкув режалар куйидаги фанлар блокларини ўз ичига олиши лозим:

- Соғликни саклаш таълим соҳасидан ташкари барча таълим йўналишлари учун:

Табиий-илмий ва гуманитар фанлар;

Умумкасбий фанлар;

Ихтисослик (мутахассислик) фанлари;

Қўшимча фанлар.

- Соғликни саклаш таълим соҳасининг даволаш фаолияти билан туташган йўналишлари учун:

Клиника олди модуллар;

Клиник модуллар;

Электив модуллар (1-, 2-, 3-блок модуллари учун худудий компонент).

- Соғликни саклаш таълим соҳасининг даволаш фаолияти билан туташ бўлмаган йўналишлари учун:

Умумкасбий модуллар;

Маҳсус модуллар;

Электив модуллар (1-, 2-, 3-блок модуллари учун худудий компонент).

Касб фаолияти кўнгикмаларини эгаллаш учун малака амалиётлари ўтилиши назарда тутимиши шарт.

Ўкув режалар мажбурий ўкув фанлари билан бир каторда танлов фанларни ҳам ўз ичига олиши лозим.

Бакалавриат таълим йўналишлари ўкув режалари ва фан дастурларини ўзлаштиришда талабаларнинг ўкув фанларига оид бир канча масалалар ва муммомлар бўйича мустакил билим олиши назарда тутимиши лозим.

Бакалавриат йўналишларининг таълим жараёни ўкув режаларига мувофик якуний давлат аттестацияси билан тугалланиши шарт.

Таълим соҳаси (йўналиши)нинг хусусиятидан келиб чикиб, таянч олий таълим муассасалари томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда ўкув режаларининг таркибий тузилмаси (фанлар блоклари) ўзгартирилиши мумкин.

##### **5.1.1. Ўкув фанлари блоклари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар**

Табиий-илмий ва гуманитар фанлар блоки умумий ўрта ва ўрта маҳсус таълим негизида олинган билимларни тўлдириши, математик ва табиий-илмий фанлар таълим йўналишлари билан узвий боғланган ҳолда чукур ўзлаштирилишини, таълим олувчиларнинг интеллектуал салоҳияти бойитилишини таъминлаши лозим.

**Умумкасбий фанлар блоки** табиий-илмий фанлар негизида таълим йўналишлари ва соҳага оид зарур фундаментал умумкасбий билимлар, амалий

кўникма, ўкув ва компетенцияларни шакллантириши, махсус (ихтисослик) фанларни ўзлаштиришга замин яратиши лозим.

**Ихтисослик фанлар блоки** тегишли бакалавриат таълим йўналиши бўйича махсус билим, касбий фаолияти кўникмалари, ўкув ва компетенцияларни шакллантириши, муайян магистратура мутахассислиги бўйича келгусида таълимни давом эттиришга замин яратиши лозим.

**Кўшимча фанлар блоки** талабаларнинг таълим фанлари бўйича кўшимча чукур билим олишга бўлган эҳтиёжини кондириши, таълим сифатига кўйилаётган талаблар ва меҳнат бозори конъюнктураси тез ўзгараётган шароитда бакалавриат таълим йўналишлари бўйича ўкув режалар ва фанлар дастурларининг сафарбарлиги ва мослашувчан бўлишини таъминлаши лозим.

**Клиникагача фанлар** умумий ўрта ва ўрта махсус таълим билан узвийлик хамда узлуксизликни инобатга олган ҳолда тибиётда кўлланиладиган клиникагача фанларнинг мазмунни ва моҳиятини белгилаш, фундаментал фанларнинг тибиётдаги ўрни, аҳамияти ва клиник фанлар билан боғликлиги ҳакида назарий ва амалий билим ва кўникмаларни шакллантириши лозим.

**Клиник фанлар** согликни саклаш соҳасида мамлакат ва жаҳон миқёсида эришилган асосий ютуклар, муаммолар ва уларнинг ривожланиши истиқболлари ҳакида тасаввур ҳосил килиш, махсус клиник билимларни, амалий кўникма ва компетенцияларни шакллантириш, магистратура мутахассислиги бўйича таълимни давом эттириш негизини яратиши лозим.

**Танлов фанлари** тибиётда инновацион даволаш ва диагностика усуllibariga, худудлардаги долзарб тибиёт муаммоларга, согликни саклаш тизимининг регионал компоненти юзасидан чукур билим, согликни саклаш тизими конъюнктурасига мувофик кўникма, ўкув ва компетенцияларни таъминлаши лозим.

## 5.2. Магистратура

Магистратура мутахассисликларининг ўкув режалари ва фан дастурлари мазмуни олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлашнинг бирламчи ва бошлангич боскичи сифатида мутахассислик бўйича чукур фундаментал ва амалий билимлар беришини кўзда тутган ҳолда шакллантирилади.

Магистратура мутахассисликлари ўкув режалари ва фан дастурлари бакалавриат таълим йўналишларининг ўкув режалари ва фан дастурлари билан узлуксизлик ва узвийлик таъминланишини инобатга олган ҳолда ишлаб чикилиши лозим. Ўкув режалар куйидаги фанлар блокларини ўз ичига олиши лозим:

- умумметодологик фанлар;
- мутахассислик фанлари;
- илмий фаолият.

Ўкув режалар ва фан дастурлари мажбурий ўкув фанлари билан бир каторда танлов фанларни хам ўз ичига олиши лозим.

Талабалар ўкув режалар ва фан дастурларини ўзлаштиришида ўкув фанларининг бир канча масалалари ва муаммолари бўйича мустакил билим олиши назарда тутилиши зарур.

Магистратура мутахассисликларининг ўкув жараёни ўкув режаларига мувофик якуний давлат аттестацияси билан тугалланиши шарт.

5.2.1. Ўкув режанинг ўкув фанлари блоклари мазмунига кўйиладиган минимал талаблар.

**Умумметодологик фанлар блоки** илмий тадқикот методологияси доирасида илмий изланиш ва таҳлил, эмпирик ва назарий тадқикот усууллари, махсус фанларни ўқитиш методикаси доирасида педагогик технологиялар, таълим тамойиллари, замонавий усууллари ва бошқалар ҳакида талабалар кенг тасаввурга эга бўлишини таъминлаши лозим.

**Мутахассислик фанлари блоки** мутахассисликка доир долзарб илмий-методологик, илмий-техник ахборотларга таянган чукур билим, ўкув, кўникма ва компетенцияларни талабаларда шакллантириши лозим.

Илмий фаолият блоки илмий-тадқикотлар методологияси ўзлаштирилишини, талабалар томонидан ихтисослашган илмий ва таълим муассасаларида муайян илмий-тадқикот ва илмий-педагогик ишлар бажарилишини назарда тутиши лозим.

**Илмий-тадқикот ишлари** магистрантларда мустакил тадқикотчилик фаолиятининг амалий кўникмаларини ҳосил килиши, илмий-тадқикотлар ўтказиш, уларнинг натижаларини таҳлил килиш ва акс эттириш, замонавий ахборот базаларини кўллаш, илмий мақолалар ва диссертация тайёрлашга доир билим, ўкув ва кўникмаларни шакллантириши лозим.

**Илмий-педагогик ишлар** замонавий педагогик ва ахборот технологияларидан, ўкув-тарбия ишларининг интерактив усуулларидан фойдаланган ҳолда педагогик фаолият маҳорати ва кўникмаларини шакллантириши, ўкув жараёнини илмий-услубий жиҳатдан таъминлашни ташкил этиш ўкув ва кўникмаларни ҳосил килиши лозим.

Илмий-тадқикот ишлари такозо этганда индивидуал илмий изланиш ва тажриба-синовларни ўтказиш мақсадида стажировка ташкил этилади. Бунда стажировкага йўлланган магистратура талабаси ўкув жараёни жадвалини индивидуал график асосида бажариши кўзда тутилади.

**Стажировка** талабанинг илмий-тадқикот олиб бориши, назарий ва амалий билимларини чукурлаштириш, муайян соҳа ва тармоқдаги замонавий техника ва технологиялар билан танишиши, амалий касбий ва илмий-тадқикот компетенцияларини шаклланиши, касбга самарали мослашувни таъминлаши лозим.

## 6. Битирувчиларнинг тайёргарлигига нисбатан кўйиладиган умумий малака талаблари

6.1. Олий таълим муассасалари битирувчилари тайёргарлигига нисбатан кўйиладиган талаблар таълим соҳалари бўйича Олий таълимнинг

давлат таълим стандартлари хамда бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг Малака талабларида баён этилади.

**Бакалавриат ЮНЕСКО томонидан жорий этилган “Таълимнинг халқаро стандарт классификацияси” (ТХСК 2011) бўйича 6-малака даражасига, магистратура 7-малака даражасига мансубдир.**

**Бакалаврининг** тайёргарлигига нисбатан кўйиладиган малака талаблари таълим йўналиши бўйича олий маълумотли шахслар эгаллаши лозим бўлган лавозимларда мустакил самарали меҳнат фаолиятини юритишини таъминлаши хамда тегишли мутахассислик бўйича магистратурада олий таълимни давом эттириш имконини бериши лозим.

**Магистрнинг** тайёргарлигига нисбатан кўйиладиган малака талаблари мутахассислик бўйича магистр академик даражали шахслар эгаллаши лозим бўлган лавозимларда мустакил илмий-тадқиқот, илмий-педагогик ва қасбга доир бошкарув фаолияти билан самарали шугуланишини таъминлаши, тегишли мутахассислик бўйича олий таълимдан кейинги таълимда (таянч докторантурা, мустакил изланувчи) таҳсил ошиши имконини бериши лозим.

6.2. Бакалавриат йўналишлари ва магистратура мутахассислари бўйича талабаларга олий таълим муассасалари аро кўшма дастурлар (“Double degree”) асосида ҳам таълим берилиши мумкин. Бунда таълим жараёни давлат таълим стандартларига таянган холда маҳаллий ва хорижий олий таълим муассасалри ўргасида тузилган келишув (шартнома)да белгиланган талаблар асосида тузиладиган ўкув режа ва ўкув дастурларга мувофиқ амалга оширилади.

## 7. Ўкув юкламасининг ҳажми

### 7.1. Бакалавриат

Барча турдаги аудитория ва аудиториядан ташкари ўкув ишларини ўз ичига олган ўкув юкламасининг энг юкори ҳажми хафтасига 54 соат килиб белгиланади. Ишлаб чиқаришдан ажralган холда (кундузги) ўкиш шакли учун аудитория машгулотларининг ҳажми хафтасига 28-36 соат оралигига белгиланиши лозим.

Ишлаб чиқаришдан ажralмаган холда (кечки) ўкиш шакли учун бир хафтада одатда беш кун, аудитория машгулотларининг энг юкори ҳажми хафтасига 26 соат килиб белгиланиши лозим.

Ишлаб чиқаришдан ажralмаган холда (сиртки) ўкиш шакли учун аудитория машгулотларининг энг юкори ҳажми ишлаб чиқаришдан ажralган холда (кундузги) ўкиш шаклининг камида 30% этиб белгиланиши лозим.

Ишлаб чиқаришдан ажralмаган холда (махсус сиртки) ўкиш шакли учун аудитория машгулотларининг энг юкори ҳажми ишлаб чиқаришдан ажralган холда (кундузги) ўкиш шаклининг камида 20% этиб белгиланиши лозим.

Ўкишнинг норматив муддати тўрт йил бўлгани холда ўкув жараёни 204 хафта давом этиши зарур.

Соғликини саклаш таълим соҳасида ўкишнинг норматив муддати уч йил бўлганда ўкув жараёни 152 хафта, беш йил бўлганда 256 хафта, олти йил бўлганда 308 хафта давом этиши зарур.

Ўкув даврининг умумий ҳажми куйидагича таксимланади:

Ўкув даврлари	Соғликини саклаш таълим соҳасидан ташкари барча таълим соҳалари учун, % хисобида	Соғликини саклаш таълим соҳаси учун, % хисобида
Назарий ва амалий таълим	40-60	63 — 70
Шу жумладан, аудитория (контактли) ва мустакил таълимнинг нисбати	40/60 фоиздан 50/50 фоизгacha	
Аттестация	6 - 10	8 — 10
Таътил	8 - 18	12 — 16
Малака амалиёти	10-25	6 — 12
Битирув малакавий иши*	2 - 7	2 — 3

\*Битирув малакавий иши таркибига уни химоя килиш бўйича Давлат аттестациялари ҳам киради.

Соғликини саклаш таълим соҳасидан ташкари барча таълим соҳалари учун назарий таълим ҳажми фанлар блоклари бўйича куйидагича таксимланади:

- Табиий-илмий ва гуманитар фанлар - 15 -25%;
- Умумкасбий фанлар -20- 50 %;
- Ихтисослик фанлари - 20-50 %;
- Кўшимча фанлар - 2 - 7 %.

Соғликини саклаш таълим соҳаси учун назарий таълим ҳажми фанлар блоклари бўйича куйидаги жадвалга мувофиқ таксимланади:

Соғликини саклаш таълим соҳаси			
Даволаш фаолияти билан туташган ўкув режалар учун блоклар номи	% хисобида	Даволаш фаолияти билан туташ бўлмаган ўкув режалар учун блоклар номи	% хисобида
Клиника олди модуллар	21-27	Умумкасбий модуллар	66-77
Клиник модуллар	67-77	Махсус модуллар	17-23

Электив модуллар (1-, 2-, 3-блок модуллари учун худудий компонент)	3-7	Электив модуллар (1 -, 2-, 3-блок модуллари учун худудий компонент)	3-7
--	-----	---	-----

Таълим йўналишининг «Умумкасбий фанлар» ёки «Ихтисослик фанлар» блоки таркибидаги фанларга мос бўлган «Табиий-илмий ва гуманитар фанлар» блоки фанлари учун ажратилган ўкув юклама ҳажми мазкур таълим йўналиши ўкув режасининг «Умумкасбий фанлар» ёки «Ихтисослик фанлар» блоки таркибига ўтказилиши мумкин.

Бакалавриат таълим йўналишлари талабаларининг малака амалиётини ўташ тартиби ва битириув малакавий ишини бажариш тартиби олий таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органи томонидан тасдикланади.

#### 7.2. Магистратура

Барча турдаги аудитория ва аудиториядан ташкари ўкув ишларини ўз ичига олган ўкув юкламасининг энг юкори ҳажми хафтасига 54 соат килиб белгиланиши керак. Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда (кундузги) ўкиш шакли учун аудитория машғулотлари ва илмий фаолиятнинг энг юкори ҳажми хафтасига 36 соат килиб белгиланиши лозим.

Ўкишнинг норматив муддати 2 йил бўлгандан ўкув жараёни 100 хафтани ташкил этиши зарур.

Соғлиқни саклаш таълим соҳасида ўкишнинг норматив муддати уч йил бўлгандан ўкув жараёни 152 хафта давом этиши зарур.

Ўкиш даврининг умумий ҳажми қўйидагича таксимланади:

Ўкиш даврининг таркибий килемлари	Соғлиқни саклаш таълим соҳасидан ташкари барча таълим соҳалари учун, % хисобида		
	Даволаш фаолияти билан туташган мутахассисликлар	Даволаш фаолияти билан туташ бўлмаган мутахассисликлар	Даволаш фаолияти билан туташ бўлмаган мутахассисликлар
Назарий ва амалий таълим	40 - 60	50 — 55	30 — 40
Узлуксиз мустақил таълим ва илмий фаолият	40/60 фоиздан 50/50 фоизгача		
Аттестация	4 - 7	4 — 7	4 — 7
Таътиллар	13 - 16	13 — 16	13 — 16
Илмий фаолият	50 - 55	30 — 40	50 — 55

Илмий фаолият магистратура талабасининг якка тартибдаги календарь иш режаси асосида амалга оширилади ва қўйидагиларга бўлинади:

- илмий-тадқиқот иши ва магистрлик диссертациясини тайёрлаш - 60-75%;
- илмий-педагогик иши ва малака амалиёти - 25-40%.

Назарий таълим ҳажми магистратура мутахассислигига қараб қўйидаги тарзда фанлар блоклари бўйича тақсимланади:

Блоклар номи	Соғлиқни саклаш таълим соҳасидан ташкари барча таълим соҳалари учун, % хисобида		Соғлиқни саклаш таълим соҳаси учун, % хисобида
	Даволаш фаолияти билан туташган мутахассисликлар	Даволаш фаолияти билан туташ бўлмаган мутахассисликлар	
Умумметодологик фанлар	10 - 20	10 - 20	20 - 30
Мутахассислик фанлари	40 - 50	65 - 75	50 - 60
Танлов фанлари	10 - 15	10 - 15	10 - 15
Илмий фаолият	50	50	50

Магистратура мутахассисликлари талабаларининг илмий-тадқиқот иши ва магистрлик диссертациясини тайёрлаш тартиби ва малака амалиёти (стажировка)ни ўташ тартиби олий таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органи томонидан тасдикланади.

#### 8. Кадрлар тайёрлаш сифати ва олий таълим муассасалари фаолиятини баҳолаш

##### 8.1. Кадрлар тайёрлаш сифатини назорат килиш

Бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича кадрлар тайёрлаш сифатини назорат килиш қўйидагилардан иборат:

ички назорат олий таълим муассасаси томонидан амалга оширилади;  
ички назорат олий таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат бошқаруви органи томонидан тасдиклаган Рейтинг назорат тизими ҳакидаги низом асосида, шунингдек, таълим жараёни кредит-модуль тизимига ўтказилган олий таълим муассасаларидасинов бирликлари (кредитлар)га асосланган мезонларга мувофиқ ўтказилади;

якуний давлат назорати олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича уларнинг ўкув режаларига мувофиқ равишда ўкув фанлари бўйича давлат аттестацияси, бакалавриат талабаси учун битириув малакавий иши ёки магистратура талабаси учун диссертация химоясини ўз ичига олади;

давлат-жамоатчилик назорати олий таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат бошқарув органи, жамоат ташкилотлари ва кадрлар буюртмачилари томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади;

ташки назорат белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси хузуридаги Таълим сифатини назорат килиш бўйича давлат инспекцияси томонидан амалга оширилади.

#### 8.2 Олий таълим муассасаларининг фаолиятини баҳолаш

Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларининг фаолиятини баҳолаш Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида” Конуни ва тегишли конуноти хужжатлари асосида амалга оширилади.

### 9. Ўкув режа ва фан дастурларини ишлаб чикиш ва тадбиқ этиш тартиби

#### 9.1. Ўкув режаларини ишлаб чикиш ва тадбиқ этиш тартиби.

##### 9.1.1. Ўкув режаларнинг асосий максади ва вазифаси:

- ўкув режанинг асосий максади – давлат таълим стандартлари ва малака талабларида бакалавр ва магистрларнинг малакаларига кўйилган талабларга мувофик етук ва ракобатбардош кадрлар тайёрлаш учун муайян бакалавриат йўналишлари ва магистратура мутахассисликларига оид ўкув фанлар, уларнинг ҳажми, машгулотлар турлари, ўкув жараёнининг мазмuni, таркиби ва ўқитишнинг мантикий кетма-кетлигини белгилаш ҳамда тартибга солиши;

- ўкув режанинг асосий вазифаси – давлат таълим стандартларига мувофик муайян бакалавриат йўналиши ва магистратура мутахассислиги бўйича жаҳондаги илм-фан, техника, технологияларнинг сўнгги ютукларини, таълим жараёнини ташкил килишда илгор хорижий тажрибаларни хисобга олган ҳолда таълим жараёни давомида ўкув фанларини алоҳида блоклар (семестрлар ва ўкув йиллари) таркибида мантикий кетма-кетлигда макбул ҳолатга келтириш, ўкув йиллари ва семестрлари давомида ўкув фаолият даври, турлари, соатлар ҳажми ҳамда якуний назорат муддатларини белгилаш.

9.1.2. Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификаторига тегишли кўшимча ва ўзгартиришлар киритилиши муносабати билан таълим соҳаларининг давлат таълим стандартлари, бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари, ўкув режалари янгидан ишлаб чикилади ва тасдиқланади.

9.1.3. Ўкув режаларини ишлаб чикиш, тасдиқлаш ва таълим жараёнинг жорий этиш кўйидаги тартибда амалга оширилади:

- ўкув режалар бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг ҳар бири бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги белгилаган таянч олий таълим муассасалари томонидан мамлакат иктисадиёти реал сектори ривожланиши тенденцияларини, жаҳондаги илм-фан, техника ва технологияларнинг энг сўнгти ютукларини хисобга олган ҳолда, таълим жараёнини

оптималлаштириш, замонавий педагогик ва ахборот технологияларни кўллаш, фанлар талабалар томонидан самарали ўзлаштирилишини таъминлаш асосида, “Олий таълимнинг Давлат таълим стандартти. Асосий коидалар”, Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори, таълим соҳаларининг давлат таълим стандартлари, бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талабларига мувофик ишлаб чикилади;

- ўкув режалар таълим йўналишлари ва мутахассисликларга оид фанларнинг мазмун ва моҳиятидан келиб чиқиб аудитория (маъруза, амалий, семинар, лаборатория ва бошка машгулотлар) ва мустакил машгулотлар, ўкув ва ишлаб чикириш (клиник, ижодий ва бошка) амалиётлари, курс лойиҳаси, курс иши, ижодий ва бошка ўкув вазифалари шаклида мантикий кетма-кетликда уларга ажратилган вакт меъёрларига амал килган ҳолда шакллантирилади;

- ўкув режалар жадвал шаклида А-4 форматли стандарт ва рақамларнинг икки тарафига Times New Roman шрифтининг мақбул ўлчамида бостириб чиқарилади.

- мазкур Стандартнинг 5 – 9 бандларига мувофик олий таълим муассасалари мавжуд бўлган вазирлик ва идоралар билан келишилган ҳолда таянч олий таълим муассасалари томонидан тайёрланган ўкув режалар Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори, таълим соҳаларининг давлат таълим стандартлари, бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талабларига мувофик ишлаб чиқилганлиги нуткази назаридан Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги хузуридаги Олий таълимни Ривожлантириш тадқиқотлари ва илгор технологияларни тадбиқ этиш марказида экспертизадан ўтказилади;

- экспертизадан муваффакиятли ўтган ўкув режалар Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги томонидан келишилади ва тегишли таянч олий таълим муассасаси томонидан тасдиқланади;

- тасдиқланган ўкув режалар белгиланган тартибда 2 нусхада расмийлаштирилади, уларнинг бир нусхаси Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги хузуридаги Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илгор технологияларни тадбиқ этиш марказида этalon сифатида, бир нусхаси тегишли таянч олий таълим муассасасида сакланади;

- таянч олий таълим муассасалари тасдиқланган ўкув режаларнинг аслидан нусха кўчириб тегишли олий таълим муассасаларига таркатади;

- таълим жараёнини бевосита жойларда мукаммал ташкил килиш ва машгулотларни тизимли тартибга солиши максадида олий таълим муассасалари томонидан ўкув режалар асосида ҳар ўкув йили учун ишчи ўкув режалар ишлаб чикилади ва олий таълим муассасасининг Кенгаши карори билан тасдиқланади. Бунда олий таълим муассасасига талабалар юкламасининг хафталик ҳажмини саклаган ҳолда ишчи ўкув режаларда ўкув фанлари блоки ҳажмини 5 фоизгача, блоклар таркибидаги фанлар ҳажмини

10 фоизгача ўзгартириш хукуки берилади. Зарур холларда таълим йўналишлари ва мутахассисликларининг касбий фаолият объектлари хусусиятларидан, фан, техника ва технологиялар янгиликларидан келиб чикиб ишчи ўкув режалардаги ўкув фанлари блоки хажми ва блоклар таркибидаги фанлар хажми ва мазмуни Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги руҳсати билан бундан юкори фоизларга ҳам ўзгартирилиши мумкин;

• Ишчи ўкув режалар ишлаб чиқаришдан ажralган ҳолда (кундузги) ва ишлаб чиқаришдан ажralмаган ҳолда (кечки, сиртки, масофавий) ўкиш шакллари учун “Олий таълимнинг Давлат таълим стандарти. Асосий коидалари”га мувофиқ ишлаб чиқилади.

9.2. Ўкув дастур (фан дастур)ларини ишлаб чиқиш ва тадбиқ этиш тартиби.

#### 9.2.1. Фан дастурларининг асосий максади ва вазифаси:

• Фан дастурининг асосий максади – давлат таълим стандартлари ва малака талабларида бакалавр ва магистринг билими, ўкуви, кўнишка ва компетенцияларига қўйилган талабларга мувофиқ ўкув режага киритилган муайян фан томонидан рақобатбардош мутахассисларни сифатли тайёрлаш учун шакллантирилиши зарур бўлган билим, кўнишка ва компетенциялар мажмумин белгилаш, фан мазмуни ва таркибий кисмларини тартибга солишидир;

#### • Фан дастурининг асосий вазифалари:

– фанга оид жаҳондаги илм-фан, техника, технологияларнинг сўнгги ютукларини, илғор хорижий тажрибаларни хисобга олган ҳолда ўкув машгулотлар мавзуларини шакллантириш, таълим шакли ва ўкув фанга ажратилган вактга мувофиқ ўкув материалларни мавзулар ва ўкув машгулотлар турлари бўйича таксимлаш, макбул холатга келтириш ва оптималлаштириш, уларнинг мантикий кетма-кетлигини ҳамда бошка фанлар билан интеграциясини таъминлаш;

– узлуксиз таълим тизимининг таълим турлари ўртасидаги узвийлик ва узлуксизлигини, шунингдек, фаннинг мазмун ва мавзулари бошка таълим турларидаги ҳамда турдош йўналишлардаги фанларнинг мазмун ва мавзулари билан тақоррланмаслигини таъминлаш;

– фанин ўзлаштириш, талабаларда фанга оид компетенцияларни, касбий билим ва кўнишкаларни шакллантириш учун зарур ўкув-услубий шартлар, ўкув адабиётлар, дидактик материалларни ҳамда баҳолаш воситалари ва усувлари ёрдамида талабалар билимини назорат килиш шаклларини белгилаш.

9.2.2. Фан дастурлари Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификаторига тегишили қўшимча ва ўзгартиришлар киритилганда, таълим соҳаларининг давлат таълим стандартлари, бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари, ўкув режалар қайта ёки янгидан тасдиқланганда, таълим

жараёнига янги фанлар ёки курслар киритилганида ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

9.2.3. Фан дастурда ўкув материаллар маъруза, семинар, коллоквиум, амалий ва лаборатория машгулотлари, ўкув ва ишлаб чиқариш (клиник, ижодий) амалиётлари шаклида мантикий кетма-кетликлида белгиланади, ўкув фанининг максади ва вазифасига мувофиқ курс лойиҳаси, курс иши, мустакил иш, чизма-хисоб, ижодий, лаборатория ва бошка ишлар ажратилган вакт меъёрларига мувофиқ фан дастурiga киритилади.

9.2.4. Фан дастури куйидаги таркибий кисмлардан иборат бўлиши лозим:

• “Зарварақ” (титул вараги)да олий таълимни бошкариш бўйича ваколатли давлат органи номи, Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификаторига мувофиқ тегишили билим, таълим соҳалари ва таълим йўналиш (мутахассислик)ларнинг шифри ва номлари, харакатдаги ўкув режага мувофиқ фанининг тўлиқ номи, рўйхатта олинган ва тасдиқланган саналари ва белгилари кўрсатилади;

• фан дастурининг биринчи бетида унинг асосий параметрлари (фан коди, кайси ўкув йилидан жорий этилганлиги, семестр, фанга ажратилган кредитлар (соатлар), фан тури (мажбурий/танлов), таълим тили, хафтадаги дарс соатлари, фанинг номи, аудитория ва мустакил машгулотлар хажми, жами юклами) жадвал шаклида белгиланади;

• “Фанинг мазмуни”. Бунда ўкув фанининг максади ва унинг асосий вазифалари тегишили йўналиш бўйича мутахассис тайёрлаш вазифаларига боғланган ҳолда баён этилади;

• “Асосий назарий кисм (маъруза машгулотлари)”. Ўкув фанининг мавзулари мантикий кетма-кетликлида келтирилади, ҳар бир мавзунинг моҳияти асосий тушунчалар ва киска ифодалар орқали талабаларга давлат таълим стандарти ва малака талаблари асосида етказилиши зарур бўлган билим ва кўнишкалар камраб олинган ҳолда очиб берилади. Асосий назарий кисм модуллар шаклида берилши мумкин;

• “Амалий машгулотлар бўйича кўрсатма ва тавсиялар”. Ўкув фанининг моҳияти ва назарий мавзуларига мос равишда амалий, семинар ва лаборатория машгулотларининг мавзулари, ушбу машгулотларни ўтказиш шакллари, унда кўлланиши тавсия этиладиган технологиялар, усувлар, воситалар зарур холларда муҳокама этиладиган мавзулар, масалалар варианtlари, лаборатория ишларининг мазмуни, максади, ишлатиладиган жихозлар ва ашёлар рўйхати ҳамда фан моҳиятидан келиб чикадиган бошка маълумотлар ёритилади. Мувофиқ равишда курс лойиҳаси ва курс ишлари, ижодий ишлар моҳияти, мазмуни, максади, мавзулари уларни бажариш шакллари, уларда кўлланиши тавсия этиладиган усувлар, бажариш бўйича киска услубий кўрсатмалар ҳамда фан моҳиятидан келиб чикадиган бошка маълумотлар ёритилади. Шунингдек, ушбу кисмда ўкув ва ишлаб чиқариш амалиётларининг максади, вазифаси, шакли, мазмуни, амалиёт жараёнида

талабалар томонидан тайёрланиши зарур бўлган якуний ишлар шакли юзасидан киска услугубий кўрсатмалар берилади;

- “Мустакил таълим ва мустакил машгулотлар” кисмida мустакил таълимнинг шакли ва мазмuni, мустакил ишга мўлжалланган мавзулар ва топшириклар, мустакил машгулотлар жараёнida талабалар томонидан тайёрланиши зарур бўлган ишлар реферат, эссе, мустакл (ижодий) иш, муаммоли маъруза ва бошқаларнинг мавзу ва мазмuni, келтирилади;

- “Фан ўқитишнинг натижалари ва шаклланадиган қасбий компетенциялар”. Мазкур кисмда таълим йўналиши (мутахассислик)га мувофик муаян фан бўйича талаба эгаллаши лозим бўлган билим, кўникма ва компетенциялар баён килинади;

- “Таълим технологиялари ва методлари”. Мазкур кисмда таълим йўналиши (мутахассислик)га мувофик муаян фан бўйича машгулотларни ташкил килиш ва ўтишда тавсия этиладиган методлар ва технологиялар киска ифодаланади;

- “Кредитларни олиш учун талаблар”. Жорий, оралиқ назорат шаклларида берилган вазифа ва топширикларни бажариш, якуний назорат бўйича тегишли вазифаларни (ёзма иш ва бошқалар) топшириш шартлари белгиланади.

- “Асосий ва қўшимча ўкув адабиётлар хамда ахборот манбаалари”. Фойдаланиладиган асосий дарсликлар, ўкув қўлланмалар хамда қўшимча адабиётлар рўйхатини келтиришда замонавий хорижий ва маҳаллий адабиётлардан, Интернет, турли ахборот коммуникация ресурсларидан, химоя килинган диссертациялар, монография хамда бошка тавсия этилган ўкув, илмий ва услубий маълумотлар манбаалари келтирилади;

- фан дастурининг охирги бетида уни маъкуллаган Олий, ўрта маҳсус ва профессионал таълим йўналишлари бўйича Ўкув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофикаштирувчи Кенгашнинг баёни раками ва саналари, фан дастурини ишлаб чиқган олий таълим муассасаси номи, тузувчилар исми, фамилияси, лавозими, илмий даража ва унвонлари, тақризчилар исми, фамилияси, иш жойи, лавозими, илмий даража ва унвонлари, фан дастури кўриб чиқилган олий таълим муассасаси кенгashi баёнининг раками ва санаси хамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги томонидан келишилганиги тўғрисидаги буйрук раками келтирилади.

9.2.5. Фан дастурларини ишлаб чикиш, тасдиклаш ва таълим жараёнинга жорий этиш куйидаги тартибда амалга оширилади:

- фан дастурлари ўкув режаларда белгиланган хар бир ўкув фани бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги белгилаган таянч олий таълим муассасалари томонидан мамлакат иктисадиёти реал сектори ривожланиши тенденцияларини, жаҳондаги илм-фан, техника ва технологияларнинг энг сўнгти ютукларини хисобга олган холда, таълим жараёнини оптималлаштириш, замонавий педагогик ва ахборот технологияларни кўллаш, фанлар талабалар томонидан самарали

ўзлаштирилишини таъминлаш асосида, “Олий таълимнинг Давлат таълим стандарти. Асосий коидалар”, Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори, таълим соҳаларининг давлат таълим стандартлари, бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талабларига мувофик ишлаб чикилади;

- тегишли гуманитар фанларига коррупцияга карши кураш масалалари, ушбу иллатнинг келиб чикиши, жамиятга етказаётган зарари ва унга қарши конуний механизмлар ва уларнинг моҳияти ҳакида алоҳида мавзулар киритилиши маъсадга мувофик;

- фан дастурлари таълим йўналишлари ва мутахассисликлар мазмун ва моҳиятидан келиб чикиб, ўкув материалларини мазкур Стандартнинг 9.2.4 бандидаги таркибий кисмларининг зарур кисмлари бўйича мантикий кетмакетликликда, ўкув фанига ажратилган вакт меъёрига амал килган холда шакллантирилади;

- фан дастурининг матни А-4 форматли стандарт варакларда, Times New Roman шрифтининг 14-ўлчамида, 1,15 интервалда, чап ва ўнг томонидан – 20, пастидан – 25, юкоридан – 20 мм ўлчамида хошияланган, бетларини ракамланиши варакнинг пастки кисмининг марказида жойлаштирилган холатда бостириб чиқарилади;

хамда тасдикланганидан сўнг А-5 форматида брошюра шаклида чиқарилади;

- Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги таянч олий таълим муассасалари томонидан тайёрланган фан дастурларини “Олий таълимнинг Давлат таълим стандарти. Асосий коидалар”, Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори, таълим соҳаларининг давлат таълим стандартлари, бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва фан дастурларига мувофик ишлаб чикилганлиги нутқи назаридан экспертизадан ўтказишни ташкил килади;

- экспертизадан муваффакиятли ўтган фан дастурлари Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги томонидан келишилади ва тегишли таянч олий таълим муассасаси томонидан тасдикланади;

- тасдикланган фан дастурлари белгиланган тартибда 2 нусхада расмийлаштирилади, уларнинг бир нусхаси Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги хузуридаги Олий таълимни ривожлантириш тадқикотлари ва илгор технологияларни тадбик этиш марказида этalon сифатида, бир нусхаси тегишли таянч олий таълим муассасасида сакланади;

- таянч олий таълим муассасалари тасдикланган фан дастурларининг аслидан нусха кўчириб тегишли олий таълим муассасаларига тарқатади;

- таълим жараёнини бевосита жойларда мукаммал ташкил килиш ва машгулотларни тизимли тартибга солиш маъсадида олий таълим муассасалари томонидан хар ўкув илини учун фан дастурлари асосида ўкув фанининг хар бир мавзуси ва машгулотларининг соатлари ҳажми, фан бўйича талабалар билимини баҳолаш ва назорат қилиши меъзонлари аник

кўрсатилган ишчи фан дастурлари ишлаб чиқилади ва олий таълим муассасасининг Кенгаши карори билан тасдиқланади. Бунда олий таълим муассасаларига таълим йўналишлари ва мутахассисликларининг касбий фаолият объектлари хусусиятларидан, фан, техника ва технологиялар янгиликларидан келиб чиқиб ишчи фан дастурлари мавзуларининг мазмунига 10 фоизгача кўшимча ва ўзгартиришгар киритиш хукуки берилади. Зарур ҳолларда ишчи фан дастурлари мавзуларининг мазмуни Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги руҳсати билан бундан юкори фоизларга ҳам ўзгартирилиши мумкин.

- Ишчи фан дастурлари ишлаб чиқаришдан ажралган (кундузги) ва ишлаб чиқаришдан ажралмаган холда (кечки, сиртки, масофавий) ўкиш шакллари учун “Олий таълимнинг Давлат таълим стандарти. Асосий коидалари”га мувофиқ ишлаб чиқилади.